

Сургаб Вилояти "ЎЗПАХТАСАНОАТ" КОРХОНАЛАРИДА

РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президентимиз раҳнамолигида завод ва фабрикаларни реконструкция қилиш, модернизациялаш, замонавий, ихчам технологиялар ўрнатиш, янги корхоналарни барпо этиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимдаги корхоналарни қайта реконструкция қилиш, модернизациялашда эришилган ютуқлар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ўсиб, экспорт ҳажми янада кўпайиши, янги иш ўринлари сонини кескин ошишини таъмин этаётди.

ланган товухоналар қурилиб, ишга туширилди. Қурилиш ишлари ва парранда сотиб олишга 1 миллиард 594 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Сардоба пахта тозалаш заводининг "Фарғона" қабул масканида 30 минг жўжа очигиша ихтисослаштирилган цех ишга туширилди.

— Ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 2008-2011 йилларда бирлашма тизимдаги корхона ва қабул масканларида 598 та янги иш ўрни яратилди, — дейди "Сирдарёпахтасаноат" ОАЖ бирлашмаси раисининг ўринбосари Фулом Умиров. — 2012 йилда пахта тозалаш корхоналаридаги 10 та қабул масканларида реконструкция ва модернизациялаш, Сардоба пахта тозалаш заводи эски биноси ўрнида 650 миллион сўмлик аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриш, "Пахтаобод пахта тозалаш" заводида 30 та иш ўрнига эга бўлган биофабрика, шунингдек, ҳар бир корхонада 130 тонна мева ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақлайдиган музлаткичларни ишга тушириш чораларини кўряпмиз.



Наманган Вилояти

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Норин туманидаги "Норинкапа" муқобил машина-трактор паркида жорий йил ҳосили учун чигит экишига ерларни тайёрлаш, пушта олиш ва экиш ишларини тизимли ташкил этишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда соҳага тегишли ташкилотлар вакиллари, туман ҳокимлари, илгор фермер хўжалиқлари бошлиқлари ҳамда мохир механизаторлар иштирок этди.

— Кўргазмали семинарнинг ташкил этишдан мақсад, — дейди Норин тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Адамжон Абдуллаев. — Президентимизнинг "2012 йил

иқлим шароитига мос келмоқда. Шунингдек, ғўзанинг янги истиқболли "Наврўз" навини ҳам синов тариқасида экамиз.

Норинликлар жорий йилда жами етти минг гектар майдонга чигит экиб, ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 33 центнердан белгилаб, ялпи хирмонни 23 минг 100 тоннага етказишга аҳд қилишган.

Хўжалик аъзолари жуда яхши билишади. Шу боис, семинар кун тартибидеда асосий диққат-эътибор мавжуд техника ва механизмларнинг мавсумга қай даражада шайлигига қаратилди.

Кўргазмали-семинарда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

(Боши 1-саҳифада) Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги қарорига асосан "Бейнов—Кунгурот—Бухоро—Навоий—Самарқанд—Тошкент—Андижон" йўналиши бўйича 1008 километр, Қамчиқ довони бўйлаб "Тошкент—Уш" автомобиль йўлидаги 100 километр, Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб 22 километрлик айланаб ўтиш йўллари қурилиб, реконструкция қилинди.

Жорий 2012 йилда ҳам инвестиция дастурига мувофиқ 517 километр автомобиль йўли ва 544 погонometr йўл ўтказигичлар қуриш мўлжалланган. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзига 204 километр узунликдаги йўллари мукамал таъмирлаш, 3500 километр йўлни жорий таъмирлаш, 5 та йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш базаларини модернизация қилиш, бу ишлар бўйича 111 та йўл қурилиш-таъмирлаш учун зарур бўладиган замонавий техника ва механизмларни харид қилиш кўзда тутилган.

Дастурга асосан йўл ва кўприклар қурилишидан ташқари Ўзбек миллий автомагистрал бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис хизматларини ривожлантириш тадбирлари ҳам режалаштирилган. Жумладан, 19 жойда кемпинг, 18 жойда мотель, 36 жойда АЕҚШ, 49 жойда автомобилларни газ билан тўлдирувчи компрессорли станциялар, 78 жойда тез тиббий ёрдам хизмати пунктлари, 31 жойда санитаргигиеник шароитлардаги автомобил йўл тўхташ майдончалари, 9 жойда эса барча шарт-шароитларга эга бўлган сайёҳлик объектлари қурилишлари амалга оширилади.

Ха, йўл ва кўприк қуришдек савобли ишининг бошини тутган йўлсозлар мамлакат иқтисодий салоҳияти, юрт фаровонлиги, ҳудудлар ободлигига ҳисса қўлиши йўлидаги истиқболли режаларини амалга оширишда меҳнат самарасини кун сайин ривожлантириб бораётган.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аҳмаджон РИХСИБОВ

тиббий асбоб-ускуналарни келтириб ўрнатилди.

Хозирда туман аҳолиси 63,7 минг нафардан ортиқ. Ўтган йили 3000 нафардан зиёд аҳоли доимий иш билан таъминланди. Шундан тадбиркорлик субъектларига 1207 нафари жалб қилинган бўлиб, туман ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда ишбилармонларнинг ҳиссаси йил сайин ортомқда.

Жорий йилда эса яқка тартибдаги тadbиркорлик ва касаначиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим тизимига давлат томонидан қаратилаётган эътибор туфайли академик лицей, 3 та касб-хўна коллежи, 28 та умумтаълим мактаблари янги қиёфа касб этди. Энди бу ерда таълим олаётган ёшларда ўзгача гуруҳ ва инфотехор туйғусини пайҳас қилиш мумкин.

Бошлар спортга эътибор олиб борилаётган маданий-маърифий тadbирлар аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи ва маънавий юксакликка замин яратди. Биргина "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида 5120 нафар ўқувчи қатнашганлигининг ўзиёқ бунинг ёрқин далилидир. Зарур анжом ва жиҳозлар билан таъминланган кўрмақ "Сўғдиёна" спорт мажмуаси ҳамisha гавжум.

Муҳаммад ШОДИЕВ

Жиззах Вилояти

КИРОЙИ ФЕРМЕР БЎЛСАНГ...

— Шу кунгача ғаллазорини икки марта суғориб, бир марта маъданли, бир марта маҳаллий ўғит билан озиклантириб қўйган ким — Мустафо! Иккита чопиқ трактори, чигит экиш сеялкаси, культиватори, ер текислаш агрегати, 12 та сикломаси ва бошқа техника воситаларини ҳаммадан бурун таъмирлаб, шайлаб қўйган-чи — Мустафо!

Шудгорлашни биринчи тамомлаган, ғаллазорини ғўзапоядан, лотокларини чўкинди лойдан тозалаган, четанини янгилаган, даласига қарийб 200 тонна маҳаллий ўғит сочган, 9 та хандақда 50 тонна гўнг бостириб, "шарбат" учун компост тайёрлаб қўйган ҳам Мустафо Холмуродов бўлади.

Бу гаплар Зафаробод тумани ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Яхшибой Тўйчиевнинг гапи эди. Шу боис, бизнинг ҳам қизиқишимиз кучайди.

— Бу ишларни ёлғиз ўзи бажармагандир? — дедик. — Тўғри, саккиз кишилик жамоаси билан бирга бажарган, — дейди Яхшибой Тўйчиев. — Лекин раҳбарликда ҳам гап кўп. Хўжалик аъзолари фермер хўжалиги ташкил этилган 1998 йилдан бери ҳар йили пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам шартнома режаларини ошириб бажариб келишади. "Меҳнатнинг таги — роҳат", деганларини рост экан, роҳатини кўришяпти. Қисқаси, бойишяпти. Баъзан у кишини бу ҳақда гапга соламан. "Далага гўнг ташиш учун сотиб олган эшак аравамиздан бошқа техникамиз йўқ эди, — дейди ўша пайтларни эслаб у. — Мана, бир эмас, иккита чопиқ тракторимиз бор. Бошқа қишлоқ хўжалик техникаларимиз етарли. Ҳатто, миниб юрган машина ҳам фермерликдан келган".

Бундай мақтов ва таъриф-тавсифлар бекорга айтилмайди, албатта. Бундан ташқари Раҳимов номили сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги у бошлиқ "Молгузар" фермер хўжалиги аъзоларининг биргина ўтган йилги меҳнат натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Хўжалик аҳли ўтган йили 20 гектар ғаллазорининг ҳар гектаридан 56 центнердан ҳосил олиб, 112 тонна ғалла хирмони яратишга муваффақ бўлишган. Ҳосилнинг 75 тоннасини давлатга сотиб, ғаллачиликнинг ўзидан 8 миллион сўм соф фойда олишга эришди.

30 гектарлик пахтазордаги ҳосилдорлик эса олдинги йилдаги 28 центнердан 32 центнерга кўтарилди. Эл хирмонида 96 тонна юқори навли пахта топширишиб, 20 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди.

Олдинги йиллардаги даромадлари ҳам бундан кам бўлмаганини ҳисобга олсак, фермер хўжалигининг тобора ривожланаётганини кўриш мумкин. — Лекин Мустафо ака бошлиқ дехқонлар, — деди СФУ ҳосилоти Камолдин Абдуғафоров, — Туман болалар спортини ривожлантириш, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаларида 2 миллион сўмга яқин, қишлоқни ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларига 500 минг сўм пул бергани, туман ва қишлоқимизнинг байрам тadbирлари ва бошқа маъракаларида анча салмоқли юкларни елкасига олиб, қатнашишлари ҳам олижаноб хислатларидан.

Уюшмаимизда 54 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётди. Улар 1556 гектар майдонда ғалла, 1834 гектарда ғўза парваришлашади. Бу йил дехқонларимизга ҳар гектар ғаллазор ҳосилдорлигини бултургидан 3 центнер, пахтазорлар ҳосилдорлигини 2 центнергача ошириш чора-тадбирларини кўришяпти. Бунда дехқонларимизга Мустафо ака сингари фермерлар тажрибаси мактаб бўлади, албатта.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ

Тошкент Вилояти

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоқидаги Билолидин Ҳусниддинов иссиқхонасида қулупнай пишиди. Ҳа, баҳорнинг илк кунларида қулупнай тайёр бўлди. Яъники, иссиқхонада. Билолидин ака 7 сотих ерда иссиқхона ташкил этган. Унга лимон кўчатлари экилган. Озгина қисмида эса қулупнай ҳам парвариш қилинмоқда.

ЎРТАСАРОЙДА ҚУЛУПНАЙ ПИШИДИ

Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудимизда 1842 хонадон бўлиб, уларга 278 гектар ер томорқа хўжалиги учун бириктирилган. Бу томорқа хўжалиқларидан самарали фойдаланиш ва томорқачиларга зарур ёрдам кўрсатиш учун йилнинг қишида ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

— Аҳоли илгарилари томорқасида фақат ёз ойларида бир мартаба экин экиши, ҳозир йил давомида икки-уч мартаба ҳосил олишяпти, — дейди Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Жуланбой Насриддинов. —



Ўртасарой қишлоқидаги Билолидин Ҳусниддинов иссиқхонасида қулупнай пишиди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунной Ражапова ва Дилбар Элибоевалар қулупнай ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

нингдек, полиз, дуккакли ва бошқа экинлар ҳам парвариш қилинади. 200 дан зиёд хонадонда иссиқхоналар ташкил қилинган бўлиб, уларда пишиқ етилган маҳсулотлар аҳоли дастурхонларимиз доимо тўкин-сочин ва файзли бўлаверади.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ Элбек ЖАМОЛОВ олган сурат.

Фарғона Вилояти

СЎХНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Сўх туманилик 6ш тadbиркор Ҳабибулло Ёрматов раҳбарлигида Янгиарик қишлоқида йилга 4 минг тонна галлани қайта ишлаш қувватига эга "Сўх Дон" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Шунингдек, бу ерда йилга 10 мингта жўжа етиштириш ва парваришлаш имкониятига эга инкубатор цехи ишга туширилди. Гўштни қайта ишлашга ихтисослашган "Омади ҳикмат Пайрав" корхонасида хориж сармоядорлари билан ҳамкорликда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида иланишлар олиб бориляпти. Тухум ва парранда гўштини бўлган эҳтиёжнинг ҳисобга олган ҳолда 6 та паррандачилик фермаси ташкил қилинди.



2 миллиард сўмлик инвестиция асосида ташкил этилган "Мулки Парвина" хусусий фирмасида 50 нафар киши меҳнат қилаётди. Корхонада гипсокартонлар тайёрланадими. "Жилои қаҳрамони Сўх" хусусий корхонасида эса турли хил қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётди. Туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда 3 та гишт ишлаб чиқариш корхонаси, 2 та оҳақ, 2 та йўл плитчаси, 5 та ёғочни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида туманга 17 та замонавий трактор келтирилди. Ўтган йили ғалладан гектаридан 53-55 центнердан ҳосил олинди. Зироатчилик қилинадиган ер майдонлари 2011 йилда 600 гектаргача кенгайtirилгани бозорларимизни маҳаллий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берди.

Худудимизда 877 тадан ортиқ микрофирма фаолият олиб бораётди. Улар туман иқтисодий фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида хориждан 112 бош насли қорамол келтирилиб, фермер хўжалиқлари га тақсимлаб берилди.

Киш фаслида ҳам аҳолини полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2,5 гектар ер ажратилди. Иссиқхоналар сони 12 га етди.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар асосида ҳам бир талай ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 133 километрлик тибий газ тармоғи тортилди, 115 км. ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Зангат ва Тул қишлоқларида намунавий лойиҳа асосида қурилган 25 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

9 та ҳаммом, 24 та сартарошхона, 3 та сураҳона, 12 та пайнет хизмати, 8 та техник маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳоли хизматиде.

Истиқлол йилларида барча қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги қиёфа касб этди. Ровон қишлоғидаги кўп тармоқли шифохонанинг барча бўлимлари га энг замонавий

ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Улар оилалар мустақамлиги ва юрт равнақига хизмат қилади




Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг аввало, ички ривожланишнинг...

Иқтисодийнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини ҳар томонлама ривожлантириш...

имкониятлар қўл келди. Фолиб бўлди. Бир қатор мактабларни капитал таъмирлашда иштирок этди. Корхона буюртма асосида...

даги замонавий ашёлар кириб келди, - дейди Бехзод Сафаров. Ёш тадбиркорнинг истиқболли лойиҳалари банк томонидан...



600 квадрат метр дераза ва эшиклар тайёрлаб берди. - Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари...

қўллаб-қувватланмоқда. У 2011 йилда Ипотека-банк томонидан ўтказилган танловда иштирок этди. Танловнинг республика босқичида...

раҳбаридан чексиз миннатдорим. Сурхондарё вилоятида бугун амалга оширилаётган ишларни таҳлил эътиборга бўлса, бу жараёнда...

вазифаларидан этиб белгиланган. Тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилаётган банкнинг филиали ва минибанклари 2600 дан зиёд мижозга фаол хизмат кўрсатаётган. Алоҳида таъкидлаш кераки, банк томонидан иқтисодийнинг реал сектори ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашда...

БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТДИР

— Бунга янги ишлаб чиқариш объекти, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яъни тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали эришилди, — дейди Бандликка кўмаклашиш ва аҳоли иқтисодий муҳофаза қилиш маркази директори Райимжон Элмуродов. — Марказимизга 2011 йил давомида 4168 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган бўлса, уларнинг 3851 нафари иш билан таъминланди...

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган имкониятлар ички истеъмол бозорини янада ривожлантириш, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, энг муҳими, иш ўринлари яратиш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» - МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ!

Жамоамиз 2004 йилдан буён аҳолининг парранда гушти ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент вилояти минтақавий филиали мижози сифатида ушбу молия муассасаси билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Таъкидлаш жоизки, банкнинг маънавий ходимлари томонидан кўрсатиб келинаётган кенг турдаги банк хизматлари ва доимий эътибори муваффақиятли фаолиятимиз таянчига айланган. Айнқисса, жамиятимиз томонидан ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва замонавий усқуналарни ўрнатиш мақсадида банкдан жалб қилинган узоқ муддатли кредитлардан фойдаланишимиз фаолиятимизни сезиларли даражада кенгайтирди. Махсулот ҳажмининг ошишига ва таннарх камайишига эришилди. Шунингдек, янги иш ўринларининг ташкил этилишига ва ишчи-хизматчиларнинг маошлари оширилишига замин яратилди. Яхуссиан, 2008 йилнинг октябрь ойида замонавий усқуналар сотиб олиш учун банк томонидан 500 млн. сўм миқдоридан сармоя ажратилди. Самарали фаолиятимиз натижасида 2010 йилнинг январь ойида, яъни белгиланган муддатдан олдин мазкур кредит бўйича қарздорлигимизни тўлик сўндиришга эришилди. 2010 йилнинг июнь ойида эса банк томонидан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси ҳисобидан 5 йил муддатга, имтиёзли фойз ставкасида 299,720 АКШ доллари миқдоридан имтиёзли кредит ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан Украинадаги «Нежинский завод сельскохозяйственного машиностроения» корхонасидан замонавий технологик линияси усқуналари олиб келинди. 2010 йилнинг октябрь ойидан бошлаб усқуналарни ишга туширишга эришилди. Фаолиятимиз кенгайтирилиши натижасида яратилган янги иш ўринларига 3 нафар коллеж битирувчиси ишга олинди ва жамиятимизда ишчи-ходимлар сони 18 нафарга етди. Натижада йилга 7,6 млн. донна тухум ва 71 тонна парранда гушти этиштириш имконияти яратилди. Хозирда жамиятимиз кредит шартномасига асосан асосий қарз ва фойз тўловларини ўз вақтида сўндириб келмоқда. Уйлаймиз-ки, биз каби тадбиркорлар, бугун иқтисодийнинг муҳим таянчи бўлишимиз лозим ва бу ишда банклар, хусусан, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлиб қолишига ишонаман. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил мамлакатимизда «Мустақам оила йили» деб эълон қилинганлиги биз каби тадбиркорларнинг қучига-қуч қўшиди. Чунки тадбиркорлик фаолиятдан олинётган даромад аввало, моддий манба сифатида оилаларимиз фаровонлигига ҳамда уларнинг янада мустақамлишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. 2012 йилда жамиятимиз фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичига олиб чиқиш, иш ўринлари ташкил этиш, ишчи-ходимларимиз даромадларини ошириш бориш ҳисобига юртимиз фаровонлиги, унинг иқтисодий мустақамлигига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Даврон ШАРИПОВ, Тошкент вилоятидаги «PROGRESS PARRANDA» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

«KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛАЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДАЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНИНГ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2012 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН 7 МАРТГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

Table with columns: №, Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг таъсифи, Ер участкасининг жойлашган жойи, Минимал қиймати (сўмга), Сотилган қиймати (минг сўмга). The table lists various land parcels and their sale details across different regions like Andizhon, Surkhondaryo, Gulistan, and Navoiy.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига! СИРДАРЁ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ 2012 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: 1. Сирдарё вилоятидаги мелиоратив тик қудуқларини таъмирлаш (2 чорак). Бошланғич нархи: ҚҚСиз 359 874 247 сўм. Қурилиш муддати: 180 кун. Қурилиш шартлари: мелиоратив объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари Молия вазирлиги қoшидаги Мелиорация фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри А.Темур кўч. - 58-уй, тел.: (8-367) 227-27-96. Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамини қандам 20% миқдоридан бўш айланма маблағлари бўлиши ёки қўрсатиб ўтилган маблағга банк қафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўқшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулкшароҳатини ҳажми 50 фюздан кам бўлмаслиги шарт. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манба-лар ҳисобидан молиялаштирилган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдодари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Танлов савдосларида мамлакатимиз ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақдирлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирокчиларнинг тақдирларини баҳолаш жараёнида танлов тақдирларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақдир қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб солинган халди баҳоланади. Савдода қатнаш ва тендер ҳужжатлари эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - Гулистон шаҳри М.Ахтимова кўчаси 30-уйида жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдодари ва нархлари шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел. (факс): (8-367) 227-64-42. Тақдирлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати - офёрталар очилиш кўни ва соати. Тақдирлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий! ОТДЕЛ БЛАГОУСТРОЙСТВА ХОКИМИЯТА Г. НАВОИЙ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объекту: «Строительство внутренних дорог массива Гулистан-3». Стартовая стоимость заказчика: без НДС 279 769 710 сум, с НДС 335 723 652 сум. Срок завершения строительства: 3 месяца. Заказчик Отдел благоустройства хокимията г. Навоий. Расположен г. Навоий, ул. Б.Рахманова-15. Финансирование осуществляется за счет средств местного бюджета. (по объектам, стоимостью до 500 млн. сум конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса). Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специальные ресурсы для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора. При участии в конкурсных торгах ответственных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для ответственных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участникам конкурсной презентации с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога. Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу: г. Навоий ул. Гавасалия-2А. Тел.: 225-49-96, 225-47-98. Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий ул. Гавасалия-2А. Тел.: 225-49-96, 225-47-98. Крайний срок представления оферты организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферты. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Андижон вилояти

ИСКАНДАР – ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ФОЛИБИ

Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлиги мамлакатлари ёшлари ўртасида ўтказилган "Окно в Европу" VII халқаро фестивалида Андижон тумани Т.Содиқов номидаги 7-маҳсус муסיқа мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Искандар Собиржонов халқ чолғулари ижрочилиги номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. У энди Германия ва Францияда келгуси йили ўтказиладиган халқаро муסיқа анжуманида иштирок этади.



И.Собиржонов фестивалда миллий куйларни, жаҳон классик муסיқаларидан намуналарни маҳорат билан ижро этди. Ёш муסיқачининг ижро маҳорати халқаро танлов ҳакамлари томонидан юқори баҳоланди. Бу ўзбек ёшларининг ҳеч қимдан кам эмаслигини, улар юксак билим ва иқтидор эгалари бўлиб камол топаётганидан далolatдир. – Мақсадим Германия ва Францияда ўтадиган нуфузли танловда ҳам голиблар қаторидан жой олишдир, – дейди Искандар Собиржонов. – Бунинг учун устозларим кўмагида танловга жиддий тайёргарлик кўряпман. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида биз, ёшларнинг ўз иқтидоримизни намойён этишимиз учун барча шароитлар яратилган. – Искандарнинг халқаро танлов голиби бўлгани бизни беҳад қувонтирди, – дейди мактаб-интернат директори Адҳамжон Исмоилов. –

Жиззах вилояти

Пахтакор тумани Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Зилола» мактабгача таълим муассасасида Мустақом оила йилига бағишлаб «Сиз бир ёндан, биз бир ёндан» мавзусида икки оила интеллектуал кўрик-танлови ўтказилди.

«СИЗ БИР ЁНДАН, БИЗ БИР ЁНДАН»

Уни ўтказишдан мақсад, оила бошлиқларининг пазандлик, чеварлик, тадбиркорлик қобилиятларини синаш, кичиктойларнинг қизиқарли ва жумбоқли савол-жавоблари ҳамда уларнинг ибратли ота-она, ибратли қўшилар ва яхши оила ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш эди. Шунингдек эътироф этиш ўринлики, мактабгача таълим муассасаси мудираси, халқ депутатлари туман Кенгашининг депутати Холида Эгамова табиатан изланувчан ва тиниб-тинчимас педагог. У муассаса тарбиячилари билан ҳамкорликда ўтган Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йилида ҳам «Бизнес ишларини ташкил этишда оилалар иштироки ҳамда бизнеснинг бола тарбиясидаги аҳамияти» мавзусида қизиқарли давра суҳбати ташкил этиб, баъзи муаммоларни ўртага ташлаб, уларнинг ечимларини кўрсатган, бунинг учун ота-оналар олқишини олган эди.

Тадбирда оила бошлиқлари ўқувли, меҳнаткаш, дала ва уй-рўзгор ишларида, пазандлик ҳамда чеварлик соҳасида ҳам бир-бирларидан қолишмаслиги аниқланди. Болақонларнинг қизиқарли савол-жавоблари, ота-оналари ҳақидаги таъриф-таъсифлари, ибратли қўшилар уяши оилалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари катталар томонидан юқори баҳоланди, уларнинг интеллектуал салоҳияти ёшларига нисбатан қонқарли экани айтилди.

Тадбирда катнашган туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Шамсиддин Қаримов, туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Миқсолол Мусаева, йиғин маслаҳатчиси Ақдол Шоматова ва бошқалар ушбу кўрик-танловни ибратли тадбир сифатида баҳоладилар.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА муҳбири.



СПОРТ

ШАХМАТ

КУРАШ ҚИЗГИН

Тошкентда биринчи ўзбек гроссмейстери – Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Тошкент опен" VI халқаро турнири давом этмоқда.

Швейцария усулида тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Беларус, Молдова, Озарбойжон, Украина, Исроил, Грузия, Индонезия, Шри-Ланка, Туркменистон, Тожикистон ва Қозоғистондан 113 нафар шахматчи голиблик учун дона сурмоқда.

Олтинчи тур якунларига кўра, сақиз нафар шахматчи – Максим Туров (Россия), Гади Гусейнов (Озарбойжон), Вирорел Иордаческу (Молдова), Борис Грачев (Россия), Рауф Маммедов (Озарбойжон), Антон Филиппов (Ўзбекистон), Михаил Мчедлишвили (Грузия), Марат Жумаев (Ўзбекистон) беш очкодан жамгарон ҳолда пешқадамлик қилишмоқда. Етакчиларнинг энг яқин таъқубчилари Иброҳим Қаримов, Александр Касян (Ўзбекистон) ҳамда Расет Зиадинов (АҚШ) 4,5 очкодан жамғаришган.

Келди ДЎСТБЕК

САБИНА – ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА БИРИНЧИ

Ўзбекистонлик ёш теннисчи Сабина Шарипова Таиланднинг Нонтабун шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда жорий мавсумдаги дастлабки совринини қўлга киритди.



Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари таъминидан жой олган мазукур нуфузли турнирда дунёнинг йиғирмага яқин мамлакатидан келган теннисчилар иштирок этди.

Қизлар ўртасидаги яқкалик беллашувида ҳамюртимиз Сабина Шарипова финалгача ўтган саралаш учрашувларида австралиялик Наикта Баинсини 6:3, 4:6, 6:1, япониялик Мами Адачини 6:2, 6:3, Хитой Тайпейи вакилиси Я-Хуан Лини 6:1, 6:1, австриялик Барбара Хаасни 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финал баҳсида эса канадалик Кэрл Жаони 6:3, 6:3 ҳисобида мағлуб этиб, халқаро мусобақа голибаси бўлди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги "Жар" спорт мажмуасида дзюдо бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 536 нафар спортчи иштирок этди.

Иштирокчилар сонинг кўлиги мазукур спорт турининг мамлакатимизда қанчалик оммавийлашганини намойиш этиб турибди. Спортчилар мусобақада мамлакат чемпионлиги билан бирга жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳам курашишти.

Мусобақа якунига кўра, умумжамоа ҳисобида олтинта олтин, учта кумуш, ўн битта бронза медалини қўлга киритган Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, Самарқанд (2-1-4) ва Хоразм (2-1-1) вилояти спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашти.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Табиатнинг узи табиб

ПИСТА МОЙИ ФОЙДАЛИ

Бунинг учун бир кунда бир чой қошиқ миқдоридан истеъмол қилиш киёф.

Олимлар писта мойи қандли диабет касаллигига қарши таъсирини кўнатиришини, қондаги қанд миқдорини пасайтиришини исботладилар.

Писта мойи холестериннинг фойдалилик даражасини орттиради, юрак касалликларини ривожланишини пасайтиради. Писта мойи 2-тингдаги диабетга қарши курашишда яхши ёрдамчидир.

Тажрибалар шунни кўрсатдики, 16 ҳафта давомида 2-3 қошиқ писта мойи истеъмол қилган беморда холестериннинг яхши томонга ўзгариш даражаси 14 фоизни ташкил қилган ва диабетга қарши таъсир даражасини 3 фоизга оширган.


КўК ЧОЙ – ДАВО

Аёллар остеопороз касаллиги ва унинг асоратларини яхши билишади. Кўк чой худди ана шу хасталикка даво бўлишини Техас университети олимлари ўтказган кўп йиллик тажриба исботлади.

Тадқиқотга жалб қилинган 171 нафар аёлларнинг ҳаммаси ярим йил давомида кунига, эҳтиёгга қараб 3-6 пиёлла кўк чой ичди. Эксперимент натижаси эълон қилинганда мутахассислар, албатта, кўк чойнинг суяк тўқималарининг мустаҳкамланишига уч қарра ёрдам берганини ҳисобга олдилар.

Шундай қилиб, олимлар кўк чойни мўъжиза деб таърифладилар ва бу ичимликда шамоллашни йўқотувчи воситалар борлигини айтдилар.

Ортик СУЛТОНОВ тайёрлади.



Бухоро вилояти

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатимизда ёшларни спортга жалб қилишни янада такомиллаштириш борасидаги ишларни қуқурроқ таҳлил этиш лозимлигини белгилаб берди.

Бугун барча худудлар қатори Бухоро вилоятида ҳам бу борада бир қатор режа ва дастурларга мувофиқ, иш олиб борилмоқда. Спортнинг нафис тури саналган бадий ҳамда спорт гимнастикаларига қаратилган эътибор самараси ўлароқ аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Бадий гимнастикага мўлжалланган бир қатор спорт иншоотлари барпо этилди. Агарда 2011 йилда ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар сони 4119 тани ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 2 ойи мобайнида улар



сонини 5000 нафардан ошди. Замира Санокүлова, Хусниёбону Фуломова ҳамда Сарвина Холиқоваларнинг эришдан ютуқлари, жаҳон майдонларида қўлга киритаётган муваффақиятлари бугун бухоролик жажжи кизалоқларни ва уларнинг ота-оналарини спорт секциялари томон етаклапти, десак муболага бўлмайди. Бухоро шаҳридаги Бадий гимнастика саройидан ташқари ҳозирда вилонинг барча худудларида

ушбу спорт турига ихтисослашган мажмуалар қизларни спортга кенг жалб қилиш борасида фаолият олиб бормоқда. Биргина Когон шаҳри мисолида таҳлил қиладиган бўлса, ҳозирда мавжуд спорт иншоотлари замонавий жиҳозланган бўлиб, малякали мутахассислар ва мураббийлар иш олиб боришяпти.

2008 йилда барпо этилган "Орзу" спорт мажмуасида эса 110 нафар қизларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари чемпионлар сонининг орттишига сабаб бўлмоқда. Спортни таълим-тарбия билан ҳамоҳанг тарзда изчил ривожлантириш мақсадида спорт усталиги ва спорт тараққиёти гуруҳларида дарсдан кейинги машғулотлар 15 нафар олий ҳамда биринчи тоифали мураббийлар томонидан ташкил этиб келиняпти.

Бугунги саъй-ҳаракатлар истиқболимизнинг янада фаровон, авлодларнинг баркамол бўлишини қаролатловчи энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, дея баралла айтиш мумкин.

Сўхроб ШЕРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА УНГА ОСМА ВА УЛАМА УСКУНАЛАР, ЭЪТИЁТ ҚИСМЛАР ВА СИФАТЛИ СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТАДИ

Тошкент ш. Ниязбек йули кўчаси, 1
Тел.: +998 71 234 96 11; +998 71 120 96 11; +998 71 120 96 12
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент ш. Олмасор т. ҳолияти ТРСИ томонидан рўйхатга олинган "МЕГА BUILDING INVEST" ушбу корпорациянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "МЕГА BUILDING INVEST" МЧЖ таъриқлиди. Даволаш ушу тел.: 443-71-77.

Уперный план квартири, расположенной по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н ул. М.Рабданов д. 17 кр-ра 44 и 45, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Жафарова Маншурфар Шарифовича, считается действительным.

Уперный план дома, расположенной по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н ул. Ошотрабо д. 112, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Абдуллаева Ракима, считается действительным.

Уперный план квартири, расположенной по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н ул. М.Рабданов д. 21 кр-ра 6, выданный БТИ Хамзинского р-на на имя Жафарова Маншурфар Шарифовича, считается действительным.

Тошкент ш. Миробод т. ҳолияти ҳуқуқий таъриқлиди ТРСИ томонидан рўйхатга олинган "CEUMYONG Q-MAX GLOBAL" (СТИР 020307386) МФК қомаи берилган дуялоқ мур йўқонгани сабабли бекар килинди.

Адвокатская фирма "STATUT CONSULT" (ИНН 206982597), зарегистрированная Министерством Юстиции Республики Узбекистан, оговоренной по регистрации адвокатской формирования г. Ташкент (№ 000298, 15.07.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. СА-лимко, 78, ликвидируется (на основании приказа № 1 от 12.03.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 232-72-37.

Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчас мур кадастр хизмати ДУК томонидан Тошкент ш. Чиноров г. 7-мавар Турмушулов кўчада жойлашган Мейбаша ПТД фирмасига таълиқ қилган қаддонча учун берилган № 10030302010038 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқонгани сабабли бекар килинди.

Иностранное предприятие Общество с ограниченной ответственностью "РАЙТКАБЕЛ ZAVOOR" (ИНН 200453357) объявляет об уменьшении уставного фонда с 3 538 000 долларов США до 781 000 долларов США. Претензии принимаются по тел.: 243-45-51.

"СЛА АМЛИХАН" ҳо илтиёрий равишда туғилган. Даволаш ушу тел.: 949-72-78.

Наманган вило. Давлатобод т. ИИБ томонидан 19.08.1996 й.да Ўзбекистон Республикаси фуқароси Валера Фарид Андижонликов номидаги берилган ОН 0333033 оқини рақамли паспорт йўқонгани сабабли бекар килинди.

ЧП "AZIZIM AXOR-YULDUZLARI" (ИНН 300956586) "Azizim Axor-Yulduzlari" с переносом всех прав и обязательств с ЧП "AZIZIM AXOR-YULDUZLARI" к ООО "AZIZIM AXOR-YULDUZLARI". Тел.: 155-41-99.

Уперную справку № 4744 (форма 18), выданную ГУП "Служба землеустройства и кадастра недвижимости" г. Ташкента 10.06.2009 г. на имя Усманкулова Бекзод Давлатовича на территории бывшего комплекса, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиназаровский р-н ул. Капаров, считается действительным.

Шайхонмур тузиладиган (22.03.2011 й. р. 005027-09) рўйхатдан ўтган "DAMRUM UN PROM" хуқуқий корпораси (ИНН 301005969) "DAMRUM UN PROM" маъсулияти чекланган жамиятига айланганлиги.

Бош муҳаррир:
Чорн ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеконом комплекс тартибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Алғатай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОКОВ, Сайратжон АБДУЛЛАЕВА, Мадина ТОИР, Ҳамройиб РАЗЗОКОВ, Ҳабиб ТИМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сайдалиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Омирсалом ЮНУСОВ, Ашвар КҮЛМҲОДИЕВ, Ренат НАЗАРОВ, Шароф Фуломонов, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Маъсул қолди).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2030-7023

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 236-58-83, Котибхона – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 236-56-25, Иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 233-76-78, Манавият ва маърифат бўлими – 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-28-04, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙУЛДОШЕВ
Мусавақис: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОСМУАММЕДОВА